

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 10-may, juma 36 (9003)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юрдошлар!

Муҳтарам фахрийлар!
Ҳурматли меҳмонлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган Ғалабанинг 74 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун барчамиз аввало буюк Ғалабага беқиёс ҳисса қўшган, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаган азиз инсонларни ёд этамиз, уларнинг хотираси, пок руҳлари олдида таъзим қиламиз. Шафқатсиз урушда, машаққатли меҳнат фронтда мардлик ва жасорат кўрсатган барча фахрийларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром, чуқур миннатдорлик билдираимиз.

Ҳеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, буюк Ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Минг-минглаб жасур ота-болаларимиз дунёдаги кўплаб халқлар қаторида бу мудҳиш урушда чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Бу сўнмас жасорат, мана, 74 йилдирики, биз учун мардлик мактаби, гурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ҳақиқатан ҳам, 9 май – Ғалаба кунини эл-юртимизнинг

асл фарзандлари беш йил давомида мардона жанг қилиб, ёвуз душманни тор-мор этган, мислсиз талафотлар эвазига эришган шон-шараф айёмидир.

Бу – ҳеч қачон унутилмайдиган, ҳеч қандай куч биздан тортиб ололмайдиган буюк тарих, қудратли маънавий бойлигимиз десак, айна ҳақиқат бўлади.

Биз бу тарихдан куч-қувват оламиз. Бу тарих бизни тинчликни асраб, барча халқлар билан дўст ва ҳамкор бўлиб, ёруғ келажак бунёд этишга даъват этади.

Ушбу тантанали, айна вақтда маънос кунларда ўтмишдан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариш учун уруш даврига қайта-қайта мувожаат қилишимиз табиийдир.

Инсоният тарихидаги энг даҳшатли бу урушда 1 ярим миллиондан ортиқ Ўзбекистон фуқароси қатнашган. Уларнинг ярим миллиондан зиёда ҳалок бўлган, 133 минг нафарга яқини бедарак йўқолган. 60 мингдан ортиқ ватандошимиз эса урушдан ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик 120 мингдан зиёд аскар ва офицер жанг майдонларидаги жасорати учун жанговар ордон ва медаллар билан мукофотланган. Уларнинг орасида 280 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 82 нафар

учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлган жасур инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Уша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етми ёшгача бутун халқимиз “Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – ғалаба учун!” деб яшади, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Республикаимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.

Юртимиздан жанг майдонларига 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб курул-яроғлар, ҳарбий-санитария поездлари, юзлаб дала ошхоналари, палаткалар, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистон аҳли уруш худудларидан кўчириб келтирилган 1 миллионга яқин инсонга бошпана бериб, ўз нонини улар билан баҳам кўрди. Айниқса, ота-онаси, оиласидан ҳудо бўлган 200 минг нафар бегуноҳ болаларни “Сен етим эмассан!” деб бағрига босиб, меҳр-мурувват кўрсатди.

Албатта, бу рақамлар – шунчаки статистик маълумотлар эмас. Бу рақамлар бошимиздан кечирган мудҳиш уруш оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка чақиради. Шу билан бирга, бугунги тинч ва гўзал ҳаётнинг

қадрига етиб, доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ҳурматли ватандошлар! Барчангизга маълум, Иккинчи жаҳон урушида, меҳнат фронтда иштирок этган мўътабар фахрийларимизга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

Бугунги озод ва эркин ҳаёт учун, фарзандларимизнинг бахти ва қамоли учун биз уларнинг олдида чексиз қарздормиз.

Бу азиз инсонларни асраб-авайлаш, уларнинг соғ-саломат ва мазмунли умр кечиришлари учун барча шароитни яратиб бериш – ҳаммамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир. Айниқса, раҳбар ва мутасаддилар буни биринчи навбатда чуқур ҳис этишлари лозим.

Биз шу мақсадда бошлаган ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттираимиз, шу йўлда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Азиз дўстлар! Хабарингиз бор, келгуси йили Ғалабанинг 75 йиллик байрами халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Ҳозирги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамла-

катлари билан бирга бу қутлуг санани муносиб қутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Жумладан, Ўзбекистон халқининг буюк Ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини акс эттирадиган, гоаят муҳим тарихий маълумотларни ўзида мужассам этган китоб-альбом нашрга тайёрланмоқда.

Айни вақтда Тошкент шаҳрининг энг кўркам масканларидан бирида ушбу шонли санага бағишлаб улкан Ғалаба боғини барпо этамиз. Бу борада лойиҳа-қурилиш ишларини бошлаб юборганимизни бугун сизларга маълум қилмоқчиман.

Албатта, бу боғ ва унинг таркибида бунёд этиладиган шон-шухрат музейини энг гўзал ва пухта ишланган лойиҳалар асосида яратамиз. Аммо бу муҳташам ёдгорлик мажмуасининг маъно-мазмун, музей экспозициясини шакллантиришда биз муҳтарам фахрийларимиз, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларига таянамиз.

Шунинг учун буюк Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати тўғрисида қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда ашаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур.

(Давоми 2-саҳифада)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 74 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриklarини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши **Нурсултон Назарбоев**

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**

Қирғизистон Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Қашқадарё вилояти

Инсон қадрли азиз, хотираси муқаддасдир. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, туман ва қишлоқларида бўлгани каби Қашқадарёда ҳам 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 74 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилган қариялар, кекса ва ноиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга Президентимиз номидан пул мукофоти, қимматбаҳо совғалар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг эсдаликлари топширилмоқда.

Бу кунларга етганлар бор...

Бугунги кунда вилоятда 66 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳаёт кечираётган бўлиб, уларнинг ҳолидан нафақат байрам кунлари балки доимий равишда хабар олиш, мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказиб турли сиҳатгоҳларга, дам олиш масканларига бепул йўлланмалар бериш одатий ҳолга айланиб қолган.

– Мени фронтга кузатаётган яқинларимнинг юзидаги изтиробни яхши эслаيمان, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Рўзи бобо Соатов. – Уша вақтлари йиллар ўтиб, мана шундай роҳат-фароғатда яшайдиган кунлар келишини ким тасаввур қилибди, дейсиз? Доимо юртимизнинг тинчлигини ўйлаётган, фарзандларимизнинг бахтли, саодатли ҳаёт кечиршини таъминлаб бераётгани учун Президентимизга минг бора раҳмат айтаман. Биз, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган бундай эътибор ва эҳтиромдан бошим кўкка етди.

Қарши тумани “Мевазор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Эшонқул ота Равшанов ҳам бугун ўзининг 96 баҳорини қарши олди. Ўзбекистон жасорати, матонати, ватанпарварлиги билан ҳурмат қозонган Эшонқул ота хонадони байрам арафасида янада файзу тароват билан бойиди. Вилоят ҳокими Зафар Рўзиев отахон хонадонига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Эшонқул отага пул мукофоти ва эсдалик совғаларини топширди.

Вилоятимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва эсдалик совғаларининг топшириш маросимлари давом этмоқда. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам уруш қатнашчилари хонадонларига ташриф буюриб, эсдалик совғалари топшириш билан бир қаторда ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдалар.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА,
“Qishloq hayoti” мухбири.

БИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯРАТГАН ФИДОЙИ БОБОЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ МАНГУДИР

Бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жон фидо қилган аجدодларимиз хотирасини ёд этиш, эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Мамлакатимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунини мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

Ушбу айём кунлари бугунги тинч-осойишта ҳаётга қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилгани яна бир бор чуқур ҳис этамиз. Бу йўлда қурбон бўлган юрдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлан-



тириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунини тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги йўлида жон фидо қилган юрдошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар ифодасини топган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ,

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз табриқномаси, 7 миллион 500 минг сўм миқдорда бирийўла тўланадиган пул мукофоти ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳар бирини тиббий ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ходимлар бириктирилиб, доимий патронаж хизмати кўрсатилмоқда.

Санаторияларга бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Уруш қатнашчилари ва фронт орти фахрийлари билан бирга мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Бухорода ҳаводан ичимлик суви олинади

Бухорода ҳаводан ичимлик сувини ажратиб олувчи қурилма синовдан ўтказилди, деб хабар қилди Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати. Мазкур атмосфера генератори кунига 900 литр ичимлик сувини ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ушбу қурилма Исроилнинг “Watergen” компаниясига тегишли. Бир неча кун аввал компания вице-президенти Михаил Рутман ва Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонаси вакилларининг музокаралари вақтида уни синовдан ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Мазкур атмосфера генератори жорий йилнинг 12-16 май кунлари шахсан Михаил Рутман иштирокида расмий синов даврини бошлайди.

Ишлаб чиқарувчи сайтида қайд этилишича, қурилма ташқи атмосфера шароитларига – кун ва тун, мавсум, географик жойлашувга мос равишда сув ишлаб чиқаришни оптималлаштиради. Кўп тўсиқли филтёрлар натижа-сида ҳаво сифатидан қатъи назар, сув сифати таъминланади.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-саҳифада)

Мана, барчамиз гувоҳимиз, ўша дахшатли жангларда иштирок этган, урушнинг азоб-уқубатларини кўрган кишилар сони, афсуски, камайиб бормоқда. Ҳатто уларни таниган, билган одамлар сафи ҳам камаймоқда. Бундай инсонлар, уларнинг ҳар битта сўзи олтинга тенг бўлиб бормоқда.

Шунинг учун уруш ҳақидаги, уруш қаҳрамонлари ҳақидаги маълумотларни улардан ёзиб олиб, халқимизга етказишимиз керак. Жойларда, таълим-тарбия масканларида “Маҳалламиз қаҳрамонлари”, “Ватан ҳимоячилари” деган тасвирий кўргазмалар ташкил этсак, ўйлайманки, нур устига нур бўлади.

Бу кўргазмаларда уруш иштирокчилари билан бирга мустақиллик йилларида тинч-осойишта ҳаётимизни ҳимоя қилиш йўлида мардлик кўрсатган аскар ва офицерларимиз тўғрисида ҳам маълумотлар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Шу тариқа биз ўз тарихимизни, аждодларимизга хос жасорат ва матонат туйғусини, жанговар аънаналарни келгуси авлодларимизга мерос қилиб қолдиришга эришамиз. Бу ишларни бугун қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам, келгуси жараёнларга

ҳам ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, юксак тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартидир.

Азиз дўстлар!

Уруш қаҳрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табарруқ Она сиймоси кўз ўнгимизда намён бўлади. Чунки эл-юрт ҳимоясини ор-номуси иш деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улғур зот – онадир. Урушнинг барча азоб-уқубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир.

Бамисоли сабр-бардошдан яралган, уруш йилларида муқаддас Ватан тимсолига айланган бундай метин иродали оналар юртимизда кўплаб топилади.

Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида Зулфия ая Зокирова исми бир мўътабар онахон яшаб ўтганлар. Том маънода буюк бу инсоннинг жасоратини таърифлашга тил ожиз.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, Зулфия ая беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказ-

ганлар.

Ҳаммамиз яхши биламиз, она зоти учун фарзанд доғини кўришдан ҳам оғир йўқотиш йўқ. Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш азамат ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжон исми азиз фарзандларидан жудо бўлган.

Узингиз айтинг, қадри дўстлар, ҳар қандай одамни ҳам йиқитиб, яқсон қиладиган тақдирнинг бундай бешафқат зарбасига бардош бериш мумкинми?

Лекин Зулфия Зокировадек матонатли, қаҳрамон ўзбек аёли бунга бардош бера олди. Шундай фожиали қисматга беш марта кўксини қалқон қилиб, беш марта ҳам мардона оёққа турди. Бунинг учун одамда қанчалик кучли ирода, қанчалик метин сабр-бардош бўлиши керак!

Ёвуз уруш туфайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади.

“Жойи чиқса, турмуш қилинлар, мен сизлардан мингдан-миг розиман”, дейди Зулфия ая келинларига. Лекин улар ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолади, бошқа турмуш қурмайди.

Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати!

Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг энгилмас куч-қудрати! Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз кимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!

Ҳаётда бирон-бир қийинчиликка дуч келса, умидсизликка тушмасдан, уларни бардош билан енгиб ўтишда Зулфия Зокирова ва унинг оиласи ёш авлодимиз учун чинакам ибрат мактаби эмасми?

“Яхшилар ёди ҳеч қачон унутилмайди”, дейди халқимиз. Биз эзгу ният билан барпо этадиган Ғалаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатсак, унга “Матонат мадҳияси” деб ном берсак, нима дейсизлар? Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан янгича сафарбарликни талаб этмоқда. Мана шу жараёнда тинчликни асраш, дунёдаги тараққийпарвар халқлар, давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш бош вазифамизга айланмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида узоқ-яқин барча давлатлар, аввало, кўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни ривожлантириш бундан буён ҳам устувор йўналиш бўлиб қолади.

Айни вақтда яна бир ҳақиқатни ҳам ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Энг катта, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчликка раҳна солиш, турли халқлар ўртасида уруш оловини ёқиш, миллий ва диний зиддиятларни авж олдиришга уринаётган кучлар ҳам йўқ эмас. Бундай ёвуз кучларга қарши курашда аввало доимий хушёрлик ва огоҳлик, жаҳолатга қарши – маърифат, бутун халқимизнинг бирлиги ва ҳамжихатлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шу мақсадда мустақиллигимиз ва тинч ҳаётимизнинг ишончли ҳимоячиси бўлган Куролли Кучларимизнинг жанговар қудрати ва

салоҳиятини янада ошириш, халқ ва армия бирлигини мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Ҳозирги гоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу вазифаларни муваффақиятли адо этишда муҳтарам фахрийларимизнинг жасорати, шонли аънаналари, ҳеч шубҳасиз, биз учун ҳамиша ибрат бўлиб хизмат қилади. Айниқса, сизлар барча ишларимизда доно маслаҳатгўй, тоғдек таянч бўлиб, халқимизни рози қилиш йўлидаги ислохотларимизга ўз амалий ишларингиз, дуоларингиз билан мадад бериб келмоқдасиз. Ва биз буни юксак қадрлаймиз, сизлар билан чексиз фахрланамиз!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тинч ва озо, эркин ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун ўз номидан, кўпмиллатли Ўзбекистон халқи номидан сизларга яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдираман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга кут-барака тилайман. Доимо ҳаётимизга фойз бериб, эл-юртимиз ардоғида бўлиб юришингизни Яратгандан сўрайман.

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

Ғалаба байрами барчамизга муборак бўлсин!

Катта раҳмат сизларга!

(Боши 1-саҳифада)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият, Мадорфаа, Ички ишлар вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Бадий академия, Маънавият ва маърифат маркази, “Нуроний” жамғармаси ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар келган.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди.

Давлатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди – ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойга гулчамбар қўйди.

Шу куни Тошкент шаҳридаги Ботаника боғида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 74 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари байрам тадбирига келган уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири билан алоҳида саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади. Нуронийлар юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Рамзий саҳнада машҳур ўзбек генерали Собир Раҳимов кўмондонлигидаги дивизиянинг қаҳрамонлиги акс эттирилди. Президент фахрийлар билан бирга уни томоша қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриклади.

Боғда Иккинчи жаҳон уруши давридаги композициялар инсталляцияси акс эттирилган. Поезд ва ҳарбий техникалар намоиш қилинган. Кўмондонлик штаби, оқол ва блиндажлар, тиббиёт пункти, дала ошхонаси қурилган. Жанг майдонларида аскарларимиз кўрсатган мардлик ва жасорат, урушдан қайтмаган минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси, ота-боболаримизнинг фронт орти меҳнат фаолияти акс этган.

Саҳна ортидаги улкан мониторда халқимизнинг уруш даврида кўрсатган матонати ва жасорати, ёвқур ўғлонларнинг мислсиз қаҳрамонликлари акс этган лавҳалар намоиш қилинди. Мардлик, Ватан, тинчлик тараннум этилган шiorлардан юраклар жунбушга келди.

Давлатимиз раҳбари ғалабага катта ҳисса қўшган барча ватандошларимизнинг жасорат



БИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯРАТГАН ФИДОЙИ БОБОЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ МАНГУДИР

ва матонатини янада чуқур ўрганиш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги илмий тадқиқотлар, бадий асарлар, кинофильмлар ва спектакллар яратиш, ёшларимиз қандай фидойи инсонларнинг жасорати эвазига бугунги тинч ва бахтли замонда яшаётганини билиши ва бунинг қадрига етиши зарурлигини таъкидлади.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар умрига зомин бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг дахшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлган, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолгани ҳисобга олинган бўлса, бу ғалаба халқимиз учун нақадар қимматга тушгани яққол аён бўлади.

Халқимизнинг уруш йилларидаги чинакам матонат ва жасорати бутун инсоният учун ибратдир. Ўзбек халқи жанг майдонларидан юртимизга эвакуация қилинган бир миллионга яқин кишига ўз уйдан жой берди. Улар орасида 200 минг болани юзлаб ўзбек оилалари “Сен етим эмассан”, деб ўз панояга олган, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар, каттақўрғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ва Ашурхўжаевлар

шаҳрида Ғалаба боғини барпо этиш бўйича лойиҳа-қурилиш ишлари бошлаб юборилганини қайд этди.

Албатта, бу боғ ва унинг таркибида бунёд этиладиган Шон-шўҳрат музейини меъморий жиҳатдан энг гўзал ва мукамал лойиҳалар асосида яратамиз. Бу муҳташам ёдгорлик мажмуасининг ички маъно-мазмунини, музей экспозициясини шакллантиришда биз муҳтарам фахрийларимиз, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларига таянамиз, деди Президент.

– 1943 йил урушга кетдим, – дейди Сирдарё тумани Деҳқонобод маҳалласида яшовчи Холқўзи ота Тошқўзиёв. – Ғалабадан сўнг узоқ йиллар кутубхоначи бўлиб ишладим. Турмуш ўртоғим Мукаррамхон билан ўн фарзандни улғайтирдик. Олтидан ортиқ нева-чеварамиз бор. У даврларни эслаш биз учун азоб. Ғалабага ҳисса қўшган ўнлаб қуролдош дўстларимиз хоки бегона юртларда

отланади. Мониторда Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвири акс этади.

– Ўзбекистонда Хотира ва қадрлаш куни нишонланаётгани замирида жуда катта маъно-мазмун бор, – дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Цзянь Янь хоним. – Иккинчи жаҳон уруши тугаганига анча бўлди, лекин ундан чиқариладиган сабоқ, хулосалар ҳали ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Бу эса ғалабанинг қадр-қимматини янада оширади. Ўзбек халқи ана шу улкан ғалабага муносиб ҳисса қўшгани билан фахрланади. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган ўзбекистонликларнинг хотирасини ёд этиш, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш зарурлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, хотира бугунги авлодни тинчликни қадрлашга ўргатади. Президентингиз, шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги бундан буён ҳам муостаҳкамлаб боришини қайд этди. Биз бу муносабатларни гоят қадрлаймиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонамиз.

Байрам дастурида атоқли шоир ва санъаткорларимизнинг шеър ва қўшиқларига кенг ўрин берилгани Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятига мос тушган. Ғафур Ғулум қаламига мансуб “Сен етим эмассан” шеърининг муаллифдан ёзиб олинган парчалари эшиттирилганда, қалблар ларзага келди.

Алишер Навоийнинг “Мубтало бўлдим санга”, Муқимийнинг “Айрилмасин” ғазаллари, Камтарнинг “Аскар мактуби”, Хайриддин Саломнинг “Мени эслагил”, Исроил Ваҳобовнинг “Ўзбекистоним”, Булат Ақуджаванин “Нам нужна одна победа”, Яков Галицкийнинг “Синий платочек” каби шеърларига басталанган қўшиқлар янгради.

Концерт ҳарбий оркестр ва таниқли хонандалар иштирокида давом этди.

...Уруш тугаб, ғалабага эришилгани ҳақида Юрий Левитан эълон қилди.

74 йил олдинги бу қувонч, сурур яна бир бор тадбир иштирокчиларини ҳаяжонга солди.

– Биз бахтли авлодмиз – шундай тинч-осойишта мамлакатда яшаймиз, – дейди Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Гулруҳ Пардаева. – Бунда бобо-бувиларимизнинг, барча нуронийларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғамхўрлик қилиш, умрларини узайтириш учун барча шароитларни яратиш ҳаммамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Уруш йилларининг аянчли хотиралари, бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадри акс эттирилган бадий дастур қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдириди.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.



оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонига тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласи хотирасига ҳурмат сифатида барпо этилган ҳайкал қайта ўрнатилгани бу бағрикенгликнинг яна бир намунасидир.

Давлатимиз раҳбари айни вақтда Тошкент

қолиб кетди. Илоҳим у кунлар қайтиб келмасин.


Саҳнада ва улкан мониторда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган лавҳалар намён бўлади.

...“Хотира мангу” композицияси намоиш этилади.

Машҳур суҳандон Юрий Левитаннинг уруш бошлангани тўғрисидаги эълонни ўқиган овози янграйди. Йигитлар Ватан ҳимоясига

Бу йилги кўкламнинг серёғин келиши оқибатида гўза қатор ораларидаги тупроқ зичлашиб, бегона ўтлар ўсиб чиқа бошлади. Зичланган тупроқни юмшатиш ва бегона ўтларни ёшлигидаёқ йўқотиш учун қатор ораларига дастлабки ишловни тўғри ва сифатли ўтказиш лозим. Механизаторлар дала сатҳини қатламлаб юмшатиш, қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш ва кўшқатор қилиб экилган гўза ораларига ишлов беришда муайян қоидаларга амал қилишлари зарур.

I. Дала сатҳини қатламлаб юмшатиш. Тупроқ анча зичлашиб кетган пайкалларда майин тупроқ олиш учун ККО туркумидаги ишчи органлар билан қатламлаб ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Қатор оралари 90 см. бўлган пайкалларда ҳар бир қаторга 2 дона ротацион юлдузча, 7 дона юмшаткич панжа ва 1 дона ўқёйсимон панжа жойлаштириш керак. Бу ҳолда ротацион юлдузча ниҳоллардан 3-5 см.




1-ротацион юлдузча; 2-юмшаткич панжа; 3-ўқёйсимон панжа.
1-расм. Қатор ораларида дастлабки юмшатиш учун иш органларини жойлаштириш схемаси

узқликда 4-6 см. чуқурликда, биринчи жуфт юмшаткич панжалар ниҳоллардан 12-15 см. узқликда 5-7 см. чуқурликда, иккинчи жуфт юмшаткич панжалар ниҳоллардан 25 см. узқликда 6-8 см. чуқурликда, учинчи жуфт юмшаткич панжалар ниҳоллардан 35 см. узқликда 8-10 см. чуқурликда, марказий юмшаткич ва ўқёйсимон панжа эса 14-16 см. чуқурликда жойлаштирилиши зарур. Ҳаммаси бўлиб культиваторга кенглиги 60 см. бўлган қатор ораларини юмшатиш учун 8 жуфт ротацион юлдузча, 21 дона юмшаткич ва 5 дона ўқёйсимон панжа, қатор оралари 90 см. бўлганда 8 жуфт ротацион юлдузча, 29 дона юмшаткич ва 5 дона ўқёйсимон панжа ўрнатилади.

Гўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш

Бунда нимага эътибор қаратиш керак?


Таъкидлаш жоизки, культиватор анча мураккаб агрегат ҳисобланади ва ўзига алоҳида малакали эътиборни талаб қилади. Культиватор ишчи аъзоларини тўғри сошлаш учун махсус чизиклар тортилган текис горизонтал майдончадан фойдаланилади, сошлаш ишлари осонлашади ва аниқлиги ортади. Бунинг учун культиватор секцияларининг таянч гилдираклари остига максимал ишлов бериш чуқурликдан 1-2 см. кам (яъни гилдиракнинг тупроққа ботишини эътиборга олган ҳолда) қалинликдаги ёғоч тахтачалар қўйилади.



1-сферик диск; 2-пичоқ; 3-ўқёйсимон панжа.
2-расм. Қатор ораларида бегона ўтларни йўқотиш учун иш органларини жойлаштириш схемаси

II. Қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш. Қатор ораларида униб чиққан бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культиваторга 8 дона диск-симон юмшаткич (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 5-7 см. узқликда ва 6-8 см. чуқурликда, 8 дона пичоқ (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 9-10 см. узқликда ва 6-8 см. чуқурликда ва 5 дона


ўқёйсимон панжа эгатнинг ўртасига 12-14 см. чуқурликда ўрнатилади.
III. Кўш гўза қатор ораларига ишлов бериш.
III.1 – оралиқни қатламлаб юмшатиш. Кўшқатор қилиб 60x30 схемада экилган пайкалларда тупроқни қатламлаб юмшатиш учун 60 см. кенгликдаги қатор ораларига 2 дона ротацион юлдузча, 5 дона юмшаткич панжа ва 1 дона ўқёйсимон панжа 30 см. кенгликдаги



1-ротацион юлдузча; юмшаткич панжа; 3-ўқёйсимон панжа.
3-расм. Кўш қаторни майдонларга қатламлаб ишлов бериш учун иш органларини жойлаштириш схемаси

қатор ораларига эса 1 жуфт ротацион юлдузча жойлаштириш мақсада мувофиқ. Бунда ротацион юлдузча ниҳоллардан 3 см. узқликда 4-6 см. чуқурликда, биринчи жуфт юмшаткич панжалар ниҳоллардан 15 см. узқликда 4-6 см. чуқурликда, иккинчи жуфт юмшаткич панжалар ниҳоллардан 25 см. узқликда 6-8 см. чуқурликда, марказий юмшаткич ва ўқёйсимон панжа эса қаторнинг қоқ ўртасига 12-14 см. чуқурликда жойлаштириш керак.
III.2 – бегона ўтларни йўқотиш. Ушбу усулда экилган пайкаллардаги бегона ўтларни йўқотиш учун культиваторнинг 60 см. кенгликдаги қатор ораларига қуйидаги иш органларини ўрнатиш лозим: сферик диск 2 дона (1

таси чап кесувчи, 1 таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 5-7 см. узқликда ва 6-8 см. чуқурликда, пичоқ 2 дона (1 таси чап кесувчи, 1 таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 9-10 см. узқликда ва 6-8 см. чуқурликда, 1 дона ўқёйсимон панжа эгатнинг ўртасига 12-14 см. чуқурликда, 30 см. кенгликдаги қатор ораларига эса 2 дона ротацион юлдузча 3 см. узқликда 4-6 см. чуқурликда ўрнатилади. Шунинг эсада туттиш лозими, культиваторнинг ишчи органлари доимо тупроқ билан ўзаро таъсирда бўлади. Натижада ротацион юлдузчанинг ниналари синади ёки эгилади, сферик дисклар ва пичоқларнинг тиглари ўтмаслашади, юмшаткичлар тумтоқлашади, ўқёйсимон панжаларнинг туби едрилиб кетади. Бундай ҳолатга келиб қолган ишчи органлардан фойдаланиб бўлмайди. Чунки культивация сифати тубдан ёмонлашади. Шу боис, культивациянинг ишчи органларига доим эътибор қилиш зарур. Зеро, гўзанинг қатор ораларига сифатли ишлов бериш, унинг бараваж ўсиб, мўл ҳосил тўплашининг асосий омилларидан биридир.



1-ротацион юлдузча; 2-сферик диск; 3-пичоқ; 4-ўқёйсимон панжа.
4-расм. Кўш қаторни экилган майдонларда бегона ўтларни йўқотиш учун иш органларини жойлаштириш схемаси

**M.ТОШБОЛТАЕВ, т.ф.д.,
A.ҚОРАҚОНОВ, т.ф.н.,
A.ИБРАГИМОВ, т.ф.н.,**
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.



Ипак қуртни заҳарланса нима қилиш керак?

Фалла, беда, сабзавот, боғ ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши кимёвий ишловлар ўтказилиши жараёнида заҳарли кимёвий моддалар дала атрофидаги тут даракларининг баргларига ҳам тушади. Оқибатда, шу тут барглари билан парваришланаётган ипак қуртлари ҳам заҳарланади.

Ипак қуртлари биринчи, иккинчи, ва учинчи ёшида тут баргидан заҳарланса, еган баргини қусмайди. Фақат калла чайқайди ва тез ҳаракатланиб, сўчқак атрофига чиқишга ҳаракат қилади. Тўртинчи ва бешинчи ёшларида эса тут баргини, албатта, қусди ва доимий равишда калла чайқаб, сўчқак четларига қочади. Ушбу ҳаракатларга қараб, уларнинг тут баргидан заҳарланганлигини билиш мумкин.

Ипак қуртлари заҳарланган пайтдан бошлаб 3-5 соат ичида қуйидаги тadbирни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Заҳарланиш ҳолатлари сезилган вақтдан бошлаб, гўзапоя кули докага солиниб, қуртларнинг устига бир текис қилиб селиб чиқилади. Шунда ипак қуртлари тут баргини емасдан, сепилган кулнинг устига чиқиб олади.

Ўзимизда етиштирилган маҳаллий мошнинг 1 килограмми 8-10 литр тоза ичимлик сувига солиниб, 1,5-2 соат, яшил тусга киргунча қайнатилади. Кейин у совитилиб, доқадан ўтказилади ва плёнка устига тут барглари ёйиб қўйилиб, тайёрланган мош суви селиб чиқилади. Мош суви сепилган тут барглари плёнка остидан 15-20 дақиқа, яъни тут барги мош сувини ўзига шимиб олиши учун ушлаб турилади. Ушбу тут барглари бир текис қилиб селиб чиқилади. У ипак қуртлари тут баргини егандан сўнг 2-3 маротаба тоза, сўлмимаган тут барги берилади.

Заҳарланишнинг иккинчи кундан бошлаб эса 8-10 литр тоза ичимлик сувига 250 гр. тоза спирт солиниб, яхшилаб аралаштирилади. Плёнка устига тут барглари ёйилиб, тайёрланган спиртли сув бир текис қилиб селиб чиқилади ва 15-20 дақиқа плёнка остидан сақланиб, кейин ипак қуртларига берилади. Шунда ипак қуртлари батамом заҳарланишдан холи бўлади.

Ушбу тadbирларни ўтказиш даврида ипак қуртларининг кичик ёшларида хонадаги ҳарорат 26-27, катта ёшларида эса 24-25 даражада, намлик эса 70-75 фоиз бўлиши керак. Хонани ҳар 1,5-2 соатда 15-20 дақиқа шамоллатиб туриш талаб этилади. Ушбу тadbирлар ўз вақтида бажарилса, заҳарланган ипак қуртларининг 90-95 фоизи сақлаб қолинади.

Қ. ЯВҚОШТИЕВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пиллачлик ва тармоқ озуқа базасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

Фарғона вилояти

Яқинда Риштон туманидаги 32-мактабга бир гуруҳ адиблар келишди. Улар мактаб ҳаёти билан танишиб, ўқувчиларнинг орзулари билан қизиқди.

Мактабларга китоблар совға қилинди

Мақтабнинг ёш ижодкорлари ўзлари ёзган шеърлар ва ҳикоялардан ўқиб берди. Шундан кейин Зоҳидон қишлоғидаги 13-мактабда ҳам адиблар билан учрашув бўлиб ўтди. Адиблар ўз ижодлари тўғрисида гапириб беришди. Мақтабнинг ижодкор ёшлари эса насрий ва назмий машқларидан намуналар ўқидилар.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ЎЭълонлар

“BEST AUTO AUKSION” МҶЖ

САМАРҚАНД МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори ҳамда Самарқанд вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 06.05.2019 йилдаги №02/031-728 сонли буюртманомасига асосан, Самарқанд вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасига қарашли, Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони 1-уйда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 0215AA, техник носоз бўлган «Captiva-2» русумли автомашина 94 197 000 сўм бошланғич баҳода такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 27 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2019 йил 24 май куни соат 18:00. Ушбу мулк 2019 йил 27 май куни сотилмаган тақдирда, **такрорий савдоси 2019 йил 13 июнь** куни соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади, Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда, закалат пулини “BEST AUTO AUKSION” МҶЖ Самарқанд минтақавий филиали АТИБ «Ипотека банк» Кўксарой филиалидаги 20208000700805784002 рақамли ҳисоб рақами (МҶО:00262, СТИР:305089257) га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: **Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони 1-уй, 210-хона.** Тел: (+99893) 355-80-55, 331-70-80. Электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz, гувоҳнома №547246.

ЎЭълонлар

Ҳурматли тadbиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МҶЖ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МҶЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МҶЖнинг 2019 йил 7 майдаги 521-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Жиззах вилояти, Зомин туманида жойлашган, умумий майдони 12600 кв.метр, қурилиш ости майдони 7019,88 кв.метр, 14 та литердан иборат, 1 қаватли “Зомин деҳқон бозори” мажмуаси. **Бошланғич баҳоси – 23 342 215 138 сўм.**

Аукцион савдоси 2019 йил 10 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 10 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари **2019 йил 13, 17 июнь** кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар

тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб, 5 банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МҶЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МҶО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

САЛОҲИЯТЛИ ИНВЕСТИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ инвестицион компанияси “PSB Capital” МҶЖ Тошкент шаҳри Чилонзор тумани “Ц” мавзе Бунёдкор кўчасида жойлашган автотураргоҳ худудидида фойдаланилмаётган майдонларда (ер майдони – 3.066,0 кв.м., бино-ишоотлар майдони – 588,0 кв.м.) ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ва шу йўл билан маҳаллий аҳоли учун кулайликлар яратиш истагида бўлган салоҳиятли инвесторларни ҳамкорликка таклиф қилади.

Эълон бўйича батафсил маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишигиз мумкин: Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани Абай кўчаси 10А уй. Мурожаат учун тел.: +998(97) 450-19-83.

Бухоро вилояти

Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида “Тadbиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, вилоят ҳокимлиги ҳамда қатор алоқадор ташкилотлар ҳамкорлигида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси кичик грантлар дастури доирасида “Томорқадан фойдаланишнинг самарали усуллари” мавзусида хотин-қизлар форуми ташкил этилди.

Томорқа – эпаданга тоғдек барака

Унда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарори асосида томорқа эгалари учун яратиб берилган имкониятлар, хусусан, аёлларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларида сўз юритилди.

Шунингдек, форум бугуннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаётган сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, унда аёлларнинг ҳам муносиб иштирокни таъминлаш масалаларини қамраб олганлиги билан янада аҳамиятли бўлди.

Қатнашчилар орасида бу борада мақсадли тadbиркорлик ташаббусларини илгари сураётган ва ўз ишини бошлаган хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этиши алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда томорқадан оқилона фойдаланиш истагида бўлган оилаларга катта имкониятлар ҳамда имтиёзлар яратиб берилмоқда. Худудларда ташкил этилган “Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамиятлари, қолаверса, хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар томонидан томорқа ерлари учун зарур уруғликлар етказиб берилмоқда. Экинларда учрайдиган касаллик ва ҳашаротларга қарши курашишда, етиштирилган маҳсулотни сотиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тadbир дастуридан ўрин олган томорқа хўжалигидаги бизнес соҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уй шароитида парранда ва сердармад экзотик қўشلарни парваришлаш борасида намойиш этилган видеоролик ва маърузалар, томорқадан самарали фойдаланиб, яхшигина даромад олишни йўлга қўйган хотин-қизларнинг тажрибалари асосидаги маҳорат дарслари ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Томорқадан олинаётган даромад эвазига оиласи, рўзғори тўқинлигини таъминлаётган хонадонлар воҳада жуда кўп, – дейди “Тadbиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси вилоят бўлими раҳбари Дилбар Аҳмедова. – Аммо, томорқасига беъэтибор бўлиб келаётган оилалар ҳам йўқ эмас. Тadbирдан кўзланган асосий мақсадимиз томорқа даромад манбаи эканлигини тарғиб қилишдан иборатдир.

Форумда етмиш нафарга яқин хотин-қизга томорқа хўжалигини ривожлантириш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредит олиш имкониятини берувчи сертификатлар топширилди.

Ҳамроз АЛИ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ишонч масъулият юклайди

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Нукус шаҳрида ҳам маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига қизгин тайёргарлик кўрилди. Жорий йилги сайловдаги ўзгаришлардан бири, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколат мuddати икки ярим йилдан уч йилгача узайтирилишидир.

Шунингдек, сайлов яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиб, сайловчиларнинг энг кам вакиллик нормаси сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 12 фоизидан кам бўлмашлиги белгиланди. Мақсад, фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг давлат органларидан мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар йиғинларининг

кадрлар салоҳиятини ва маҳалла институти фаолияти самарадорлигини оширишдир. Нукус шаҳридаги "Шигис" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бугунги кунда турли миллат вакиллари билан иборат 3479 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 2033 нафари сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

– Сайловда ёшлар билан нурунийлар ҳам фаол иштирок этмоқда, – дейди шу маҳаллада яшовчи Зийнахон ая Умирбекова. – Ҳар ким муносиб деб топган номзодига овоз бериш имкониятига эга.

Тадбирда шу кунгача ушбу маҳаллага раислик қилган Зулфия Абдуқодирова қайта сайланди.

– Менга ишонч билдириб, қайта сайлагани учун ҳудуд аҳолисига ўз миннатдорлигини билдираман, – дейди у. – Ишонч ҳар инсонга алоҳида масъулият юклайди. Шундай экан, бор билим ва тажрибам билан ушбу ишончнинг оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Юртимизда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Байрам шуқуҳи ҳар бир масканга кириб борган. Кўчалару хибонларда, таълим масканлару корхоналарда бугунги тинч-осойишта кунимиз учун шуқуҳлик ҳисси билан яшаётган, бу кунни байрам қилаётган инсонларни учратасиз.

Болажонлар қалбида ҳам байрам шуқуҳи

9 май – Хотира ва қадрлаш куни Тошкент шаҳри Олмазор туманида жойлашган 159-мактабда ҳам кенг нишонланди. Бошланғич синф ўқитувчиси Дилсора Ҳасанова бошчилигида 2 синф ўқувчилари билан ўтказилган байрам тантаналари болажонлар онгида муҳрлини қолди. Тинчликни тараннум этувчи куй-қушиқлар, шеър ва рақслар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, байрам тадбирдан сўнг ўқувчилар пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойлар, жумладан, Шаҳидлар хибониди бўлиб, урушда ҳалок бўлганлар пойига гулчамбарлар қўйишди. Бундай тадбирлар ёш авлод кўнгида Ватанга муҳаббатни, уни кўз қорачиғидек асраш ҳиссини ҳамда тинчликни қадрга этишни ўргатади.

Сухроб ЗИЕДУЛЛАЕВ

Қутлов

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги

“Автомобистраль” ИАЙҚТБ

унитар корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни 9 май – Хотира ва қадрлаш куни билан қутлайди!

Бугунги осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг мардлиги ва кўрсатган жасорати барчамизга ўрнак. Уларнинг хотираси ҳамisha ёдимизда яшайди.

Байрам муборак, азизлар!

Эълонлар

2012 й. 2 октябрда 006270-09 рақам билан Шайхонқуруқ т.д. рўйхатдан ўтган Тошкент ш. Яхясарой т. Ш.Рустамов кўч. 11-йўли жойлашган "KAMAZ TRAILER PLUS DESIGN" (СТПР 205619338) МЧК янги муассисани 2019 й. 8 майдаги 1-бўлими билан келишим тугатилди. Давлат рўйхатидан эълон чиқариш баъолиб 2 ой.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРҲИ томонидан 2018 й. 15 февралда 578049 рақам билан рўйхатдан ўтган Тошкент ш. Қизил ҳўшан кўч. 102-ўйда жойлашган "TARAOQIYOT KESAJAK ROY DEVON" МЧК (СТПР 305315014) сўрагани 2019 й. 23 апрелдаги қарори билан тугатилди. Давлат рўйхатидан эълон чиқариш баъолиб 2 ой. (90) 948-29-29.

Сергили т. Суфийина ва Ялти Сергили оғуллари кесимида жойлашган "TRANS QUALITY OIL" МЧКга Сергили т. кадастр хизматлари томонидан умийий оведатниши ҳамда маъшиий хизмат кўрсатиш буюсига берилган кадастр ҳўжжатлари йўрдалганили сабабли бекор ҳўсболанди.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидидаги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шўҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдураул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Раимкул СУЯРОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Сухроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтисомий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99897) 575-50-67;
Сурхондарё – (+99894) 168-23-60;
Сирдарё – (+99890) 520-20-05;
Тошкент – (+99890) 976-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-525, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 265 нусхада чоп этилди

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 16.45

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Қутлов



AGROBANK

Агробанк АТБ жамоаси



Май – Хотира ва қадрлаш куни билан барча юртдошларимизни ва мижозларини табриклайди!

Она-Ватанимиз тинчлиги йўлида жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган ҳамда фронт ортида фидокорона меҳнат қилган муҳтарам фахрийларимизга сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, иқтисодиётимиз янада юксалаверсин!



Халқ фаровонлиги – фаолиятимиз мезони!

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
www.agrobank.uz
тел. (+99871) 203 88 88
Хизматлар лицензияланган

Реклама



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.



YANGI OLAM QURUVCHI TEXNIKA



(+998 90) 370-14-00
(+998 97) 447-88-39

ТЕХНИКА – СТРОЯЩАЯ НОВЫЙ МИР

www.uzautotrailer.uz "1-son Avtokorxonasi" MChJ xizmat ko'rsatadi

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.